

## ПИЛТАЛИ ТЎҚИМАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН КУТИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

*Катта ўқитувчи Д.Шамиев  
Жиззха политехника институти*

*Мақолада ҳавфсизлик камарларига мўлжалланган пилтали тўқималарни ишлаб чиқариш, хусусиятлари ва қўлланиши бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.*

*В данной работе показаны результаты исследований по созданию, изучению свойств и применению специального ленточного ткани для ремней безопасности.*

*In this paper possibility of creation of the special of safety belt and results of researches on manufacturing, studying of properties and to application is shown.*

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашни ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилади. «Мазкур ўзгаришлар, - деб таъкидлади, Президентимиз, Шавкат Мирзиёев -корхоналарни янгилаш ва қайта техник жиҳозлашга мамлакатимизнинг бой табиий ва минерал хом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор...» деб таъкидлаган.

Диссертация ишида қўйилган вазифаларни ечишда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилди. Тўқима намуналари МЧЖ “FAZO LUXE” корхонасида ишлаб чиқарилиб, барча экспериментал тадқиқотлар ТМТ кафедраси ўқув лабораторияси ва ТТЕСИ қошидаги “CENTEX UZ” сертификация лабораторияларида бажарилди, шунингдек GM UZBEKISTAN корхонасининг синов тажриба лабораториясида (Асака шаҳри) ўтказилди.

Автомобилсозлик саноати бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу соҳада улкан ўсиш ва ривожланиш юз бермоқда. Автомобилларда ишлатиладиган тўқимачилик материалнинг улуши автомобилнинг умумий оғирлигининг 2,2 фоизини ташкил килади. Хозирда бутун дунёда йўл-транспорт ҳалокатларидан 1,2 миллион одам нобуд бўлмоқда. Ҳавфсизлик камарлари

жиддий шикастланишларнинг умумий хавфини 60-70% га ва ўлим хавфини тахминан 45% га қисқартириши аниқланган.

Хавфсизлик камарлари тўқимачилик ипидан тўқилган энсиз пилтали тўқимадир. Хавфсизлик тасмаси бардошли бўлишини таъминлаш учун чокни хосил қилишда махсус эътибор олинади. Хавфсизлик камарларидан қуйидаги хусусиятларга эга бўлиш талаб қилинади: Статик юк ташиш хажми 1500 кг га ва кенгайтирилувчанлиги 25-30% гача қаршилик, иссиқлик ва нурга қаршилик, Энгил, Фойдаланиш учун мослашувчан. Полиамид (полиамид) синтетик келиб чиқадиган тола, хаво ўтказувчан, тез қуритадиган, қисқа муддатли, кундалик хаётда доимо дуч келадиган материал. Полиэстер ипининг морфологик хусусиятлари ва сирт хусусиятлари полиэстер толаси эритилган, кесма бўйлаб думалоқ ва сиртда силлиқдир, алоқа бўлаги кичик бўлганда, ишқаланиш коеффитсиенти юқори ва нефт парчаланиш вақтида қўшилади. Пилтали тўқимага бўлган асосий талаб унинг юқори мустаҳкамлиги, қалинлиги, йиртилишга чидамлилиги ва ҳ.к.з.кўрсаткичлардир. Пилтали тўқимани ишлаб чиқаришда хом-ашё сифатида полиэстр ва полиамид ипидан фойдаланилди. Пилтали тўқима полотно, саржа 2/2 ва рогожка ўрилишидан иборат.

Пилтали тўқимани ишлаб чиқаришдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар	Изоҳ
1.	Тўқув дастгоҳи русуми ва сони		УТВ 4/110	
2.	Дастгоҳ бош валининг айланишлари сони	мин <sup>-1</sup>	800	
3.	Тўқима эни	См	4,7	
4.	Тўқув дастгоҳи унумдорлиги	м/с	28,2	
5.	Хом ашё тури ва чизиқий зичлиги -танда -арқоқ: милк:	текс	Пахта ипи 110 50	
6.	Тўқима зичлиги -танда бўйича -арқоқ бўйича:	ип/10см	30 17	
7.	Ўрилиш тури		Полотно	
8.	Шодалар сони	дона	8	
10.	1м тўқимага хом ашё сарфи -танда ипи -арқоқ ипи:	Гр	147 68	
13.	1м маҳсулот таннархи	Сўм	5000	
14.	1 м маҳсулотни сотиш баҳоси	Сўм	8500	
15.	1 м маҳсулотни сотишдан фойда	Сўм	3500	

**Адабиётлар:**

1. Doniyorova, M.A. (2022). Piltali to'qimalarni ishlab chiqarish va tadqiqot qilish. *Science and Education*, 3(12), 357-364.
2. Yo'ldoshev, X. X., Shamiyev, D.B.O.G.L., Jabborov, U.K.O.G.L., Sadikova, G., & Nematov, B.A.O.G.L. (2022). Bazalt tolasi, bazalt iplari va ularning o'ziga xosliklari. *Science and Education*, 3(12), 321-329.
3. Баймуратов, Б.Х., Акбаров, Р.Д., Шамиев, Д., & Холдарова, У.Б. (2019). Экранирующие ткани. ББК 1 А28, 22.
4. Doniyorova, M.A., Shamiyev, D.B., & Doniyorov, B.B. (2022). Paxta tolali to'quvchilik iplarining texnologik xossalarini tadqiq qilish. *Экономика и социум*, (7 (98)), 45-51.